

РУҲИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАСВИРДА ДЕТАЛНИНГ ЎРНИ (ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИКОЯЛАРИ МИСОЛИДА)

Шахноза СУЛТОНҚУЛОВА

магистр

Термиз давлат университети Педагогика

институтини

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада адиб Шукур Холмирзаев ижодида бадиий деталнинг ўрни ёзувчи ҳикоялари мисолида ўрганилади.

Таянч сўзлар: детал, ҳикоя, бадиий образ, қаҳрамон, поэтик маҳорат.

РОЛЬ ДЕТАЛИ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗОВ ШУКУРА ХОЛМИРЗАЕВА)

Шахноза СУЛТАНҚУЛОВА

магистр

Педагогический институт

Термезского государственного университета

Термез, Узбекистан

Аннотация

В данной статье на примере рассказов Шукура Холмирзаева исследуется роль художественной детали в творчестве писателя.

Ключевые слова: деталь, рассказ, художественный образ, герой, поэтическое мастерство.

Бадиий асарда деталнинг аҳамияти ва вазифалари кўплаб адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқ этиб келинган. Маълумки, детал ҳар қандай бадиий асар тафсилотини берувчи, асар қаҳрамонининг руҳий-ҳиссий ҳолатини ёритувчи бадиий восита саналади. Атоқли олим Иззат Султон бу ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир бадиий асар кишиларнинг яшаш шароити, характерлар, қаҳрамонларнинг психологияси ва уларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришига, ривожига алоқадор саноксиз бадиий деталлар йиғиндисидан иборатдир” [2;194]. Дарҳақиқат, ўқувчи бадиий деталларсиз асар қаҳрамонларининг руҳий дунёси, шу билан бирга унинг характер хусусиятларини тўлиқ англаб олмайди. “Адабиётшунослик луғати”да таъкидланишича: “...детал бадиий воқеликни яратиш воситаси – ашёси бўлиб, у тасвирланаётган нарсаларнинг ҳодисани конкретлаштиради, уни ҳиссий идрок қилиш мумкин бўлган тарзда тавсифланади” [1;88].

Ўзбек насри тараққиётига, айниқса, ҳикоя жанрининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ёзувчи Шукур Холмирзаев асарларида детал бир қатор жиҳатлари билан алоҳида ўрин тутди. Унинг ҳикояларида деталнинг аҳамиятини таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов “Деталлар тилга кирганда” мақоласида (учта ҳикояси мисолида “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” (1992), “Булут тўсган ой” (1996), “Кузда баҳор хавоси” (2005) таҳлил қилади ва адибнинг деталлардан фойдаланиши, уларни ўз ўрнида маҳорат билан қўллай олганлигини юқори баҳолайди. Мунаққид фикрича, детал сюжетни ҳаракатга келтирувчи мотор ҳисобланади. Характернинг ўзига хослиги ҳам қаҳрамоннинг ички олами ҳам, ташқи қиёфаси ҳам воқеалар ривожи ҳам, фикрнинг тиниқлиги ҳам, сюжетнинг таранглик касб етиши ҳам – барчаси ана шу деталлар ёрдамида амалга ошади ҳамда таъсирчан ва ишонарли чиқади. Буни яхши тушунган ҳар қандай санъаткор асарида воқеаларни деталлаштириб баён қилишга алоҳида эътибор беради [5; 205]. Адибнинг қатор ҳикояларидаги маҳорат билан қўлланилган деталлар сюжет чизиғида воқеаларнинг қизиқарли кечиши ва кетма-кетлигини таъминлаш билан бирга асар қаҳрамонларининг руҳий-психологик оламини ёритишга хизмат қилган.

Шукур Холмирзаевнинг адабиётдаги ўрни ўзбек насрида ҳикоячилик тараққиётига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Адиб ўз ҳикояларида Сурхон воҳасининг табиатини, айниқса ўзи туғилиб ўсган юрт – сўлим Бойсун манзаралари, унда яшаётган инсонлар ҳаётини тасвирлайди. Айтиш мумкинки, Шукур Холмирзаев ўзбек адабиётига биринчилардан бўлиб Сурхон мавзусини, Сурхоннинг заҳматкаш кишиларини қаҳрамон сифатида олиб кирди. Бу ҳақида ёзувчи ижодининг илк тадқиқотчиси атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшчонов ўз даврида шундай ёзганди: “Унинг асарларининг материали кўпроқ ўзи туғилиб ўсган жойлари – Бойсун тоғлари, Сурхон бўйлари билан боғлиқ. У Бойсун тоғи гўзалликларини, Сурхон кўркамликларини адабиётга олиб кирапти. Фақат табиатини эмас, балки у Бойсун ва Сурхон одамларини уларнинг ўзига хос характер

хусусиятларини бошқа жойлардан бир оз фарқ қиладиган ҳаёт кечириш йўллари билан адабиётга олиб кирапти” [4;355]. Дарҳақиқат, ёзувчи асарларидаги қаҳрамонлар табиатга чин қалбдан ошуфта бўлган оддий қишлоқ кишилари, ёшлар ва қалби пок болалардан тортиб, турли раҳбар лавозимидаги кишилар ҳаёти, турмуш тарзи, кечинмалари – буларнинг барчасида ана шу воҳада истиқомат қиляётган инсонлар тасвирланади, халқимизнинг ҳаёти, турмуш маданияти улар ҳаёти мисолида акс эттирилади. Асар бадиий мазмуни ва ғоясига кўра ёзувчи бевосита қаҳрамонлар тақдири орқали ўзининг мавжуд давр ва ҳаёт ҳақиқатларига муносабатини билдириб ўтади.

Шукур Холмирзаев адабиётга, хусусан, ўзбек насрига жуда катта янги-янги тамойилларни олиб кирди. Адиб ҳикояларида табиат ва ундаги унсурларнинг бадиий детал вазифасини бажариши, улардаги ўзига хослик ҳам ана шу тамойиллардан бири саналади. У асосан ҳикояларида табиатдаги унсурлардан тортиб, кўз илғамас гўзал, энг кичик мавжудотлардан бадиий детал сифатида фойдаланади. Бу эса ҳар бир ўқувчида макон ва вақт, қаҳрамон руҳий ҳолати ва асар воқеаларини тасаввурида жонлантириш билан бирга ҳиссий-эмоционал таъсирланишга хизмат қиладди. Шукур Холмирзаев қаҳрамонлари ўз ҳаётларини табиат билан уйғунликда билиб, табиатни асраб-авайлаш учун жон дили билан курашади. Буларнинг барчаси истеъдодли ёзувчининг бадиий маҳорати, ҳаётий ва ижодий салоҳиятининг юксак эканлигини намоён эттиради. Адиб ҳикояларида асосан, пейзаж деталлар кўп учрайди.

Адибнинг “Бойчечак очилди” ҳикоясида Қўнғирот домланинг шаҳар ҳаётидан қўнгли сиқилиб, ўз она қишлоғига баҳор фаслида бориши, унда биргина баҳорнинг илк гули бойчечакни кўриб, болаларча тоғ бағридан уни излаши, қалбида баҳор каби жонланиш, яшариш бошлангани ниҳоятда таъсирчан тасвирланади. Ёзувчи ҳикоянинг илк тасвирини шундай бошлайди: “Шаҳарда бошланган баҳор тоғ этагидаги қишлоқда энди юз оча бошлаган: дов-дарахтлар яланғоч, қишдан қолган изғиринда тунлари

жунжикишар, кундузнинг илиқ офтобида исиниб улгуролмас эдилар. Фақат кишлоқнинг у ер-бу ерида тансиқ бодомлар оппоқ булдуруқ боғлагандек гуллаб турар, уларнинг ҳам шамол йўлида турганларини совуқ уриб, оқ гулларини сарғайтириб қўйган... Ҳеч маҳал баҳорда, яна баҳорнинг ҳам худди ҳозирги уйғониш даврида келмаган домлага ушбу манзаралар, янгиликлар каттиқ таъсир қилди” [3;72]. Қишлоқдаги баҳор манзараси тасвирланган ўринда ёзувчи бу фаслнинг бетакрорлигини ўқувчи кўз олдида янада аниқ тасвирлаш учун “булдуруқ боғлагандек гуллаб тур”ган “тансиқ бодомлар” деталини келтиради. Маълумки, бодом баҳорда энг биринчи гуллайдиган дарахт. Аммо ёзувчи тасвирлаганидек уларнинг кўпчилигини совуқ уриб, гулларини сарғайтиради. Ҳикояда адиб асосан пейзаж тасвирлаган ўринларда деталдан фойдаланади ва ўқувчига қаҳрамон қалбида кечаётган руҳий кечинмаларга ишора қилади. Баҳорни шаҳардан бошланган дейилиши қишнинг тугаши каби шаҳарда ҳам баҳор бошланишининг тез фурсатда ўтиб кетишига боғлиқдай келтирилади. Айни ушбу тасвирда шаҳар ҳаётидаги бир хиллик, зерикарли ҳаёт, унинг ҳавосидан сиқилган кекса, олтмиш ёшли зиёли ҳикоя қаҳрамони Қўнғирот домланинг тушқун кайфиятини ифода эттирган. Қишлоққа унда-бунда бир келадиган домла баҳорни – ҳаётнинг энг қизғин гуллаб яшнаган фаслини шу ерда ҳис қилади. Қалбини болаларча қувноқлик эгаллаган Қўнғирот домла бойчечак излайди ва уни топади. Бу митти гул ҳикоя қаҳрамони кўнглидаги ғашликларни кеткизади. “Дунёга келганимга шукур. Тириклигимга шукур. Шу гўзалликларни кўриб турибман!” деб шивирлади у. Ана шунда қалбида бошқа бир ғалаён — бу туйғуларни айтиш, ҳайқариб айтиш, йўқ... ёзиш истаги жўш ураётганини пайқаб қолди”. Шаҳарга қайтган домла руҳиятида ҳаётга муҳаббат, иштиёқлик жўш уради. Ёзувчи ушбу ҳикоясида танлаган қатор пейзаж деталлар: баҳор, бодом, бойчечак – инсон ҳаётининг табиат билан уйғун кечишини, умрнинг тез фурсатда ўтиб кетиши, киши умрида гоҳ рутубат гоҳ бахт бахтсизликлар бўлса-да, қалбида доимо яшашга иштиёқ шавқини кўрсатишга хизмат қилган.

Шунингдек, адибнинг “Соғинч” номли ҳикоясида ҳам шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, ундаги одамларнинг контраст тасвирини кўрамиз. Ушбу ҳикояда ёзувчи болаликдан қадрдон бўлган икки дўст Азим ва Исматнинг ҳаётини, уларнинг дўстлигини ҳикоя қилади. Азим улғайиб, шаҳарда яшаб, таниқли раҳбар бўлиб қолган бўлса-да, қишлоққа келиб турар, гарчи бир қадар такаббурлиги бўлса-да, болаликдаги дўсти уни соғиниб яшаётган Исмат билан тоққа борарди. Аммо шаҳарга келганда Исматни унутарди. Фақатгина бир марта баҳорда тоққа чиққанда болалигини эслайди. Адиб табиат манзарасини тасвирлаб қаҳрамон руҳиятини ёритувчи детални шу ўринда қўллайди: “Азим қор ичидан намозшомларнинг сўла бошлаган гулидек бўртиб чиқиб турган бойчечакларни кўриб қолди. Бойчечак... у бир нечтасини узиб олди гул тепасидаги қорлар тезда эриб тушди. Азим гулнинг совуққина бандидан ушлаб унга тикилиб турар экан дили завқу шавққа тўлиб тошди. Гул фавқулодда нозик ва ифбатли эди! Азимнинг дилида фавқулодда болалиги уйғонди, у фавқулодда шаҳардан келганлигини унутди. Шаҳар берган янги хислатлар ҳам уни бир дам тарк этди...” [4]. Ёзувчининг ушбу ҳикояси инсонлар ўртасидаги кўз илғамас ришталар абадий дўстлик мавзусига бағишлаган. Бойчечак детали – ҳикоя қаҳрамони Азим қалбида самимийлик, ўз-ўзини тафтиш қилишни, Ўзлигини, олис болалик хотираларининг кечмишини ёритишга хизмат қилган. Ушбу детал орқали ёзувчи инсон ҳаётда ўсиб-улғайиш баробарида ундаги хислатлар ўзгариши мумкин бўлса-да, аммо қалбида болаликдан сингган самимийлик беғуборлик ўзгармайди деган фалсафий маънони ҳам берган. Худди шундай Азимни соғиниб яшаган унга хатлар битган, у келса у билан бирга бўладиган дўсти Исматнинг табиатида ҳам болаликдаги қадрдонлик сўнмайди. Ёзувчи ниҳоятда маҳорат билан икки дўст қалбидаги дўстлик соғинчини бойчечак деталида кўрсатади. “Ёввойи гул” ҳикоясида тоғ гули “кийик ўт” қаҳрамон тақдирига мос танланган табиат унсури ҳамда унинг руҳий ҳолатини очиб берувчи детал сифатида ишлатилган. Ҳикоя қаҳрамони Восит қишлоқдан шаҳарда ўқиб, ишлаб, ижарада яшаб юрадиган ёш йигит. Қанча яқинлари

кистамасин шаҳардан қайтмайди. Ҳаттоки, шаҳар ҳавоси ёмон таъсир қила бошлаган, оғир хасталикка дуч келган бўлса-да, у шаҳардаги ишини ташлаб кетгиси келмайди. Аммо ишхонадагилари билан Ойна тоққа лола сайрига чиққанда тоғ гули андизни учратиши – Воситнинг руҳиятига катта таъсир қилади. Чунки у гулни узиб, ўзи билан бирга олиб келади ва ижара эгаси Навохон аяга гулни кўрсатиб, уни гулзорига экиб қўяди. “Бир куни кийикўтдан хабар олди-ю, хафа бўлиб кетди. Пуштага экилган ўтга сув етмас, унинг япроқлари ҳамон кўк бўлса-да, қовжирай бошлаган эди... Кийикўт чўп бўлиб қолган эди. Унинг томирини кавлаб кўргиси келди, бироқ, буни орқага суриб, унинг бошига чўнқайди. Шунда бирдан кўнгли бузилиб, шу ўт ўсган адирни эслади ва беихтиёр куйинди: “Нимага буни шу адирдан олиб келдим. Ўша ерда ўсаверса, қуримасди”, деб ўйлади. Шунда бирдан нимагадир ўзи ҳақида ўйлаб қолди ва зўр таажжуб билан ўзини шу гулга ўхшатди” [3]. Ёзувчи ҳикоянинг сўнгида қаҳрамон ички кечинмасини ўзини шу гулга ўхшатишини тасвирларкан, мазкур детал орқали ўз ҳулосасини беради. Демак, табиатда ҳам ўз маконидан ўзга маконда яшай олмайдиган мавжудотлар бўлганидек, инсон ҳам ўзининг оиласида, яқинлари даврасида бахтли яшаши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони Воситнинг қалбидаги изтироблар, тақдирини ўз қўли билан яратган инсон қисмати, унинг фожеаси – илдизсиз, яқинларисиз ҳеч ким бўлмаслиги мумкинлиги ўқувчида катта ҳаётий сабоқ бўлади. Аввало айтиш мумкинки, ҳикоя сарлавҳаси ҳам унинг қаҳрамони тақдири, кечмиши билан боғлиқ танланган. “Ёввойи гул” – шаҳар ҳаётига қўниқолмаган Воситнинг тақдиридир.

Шукур Холмирзаев ҳикоялари ўзбек новеллистикаси тараққиётининг ўзига хос даврини ташкил этади, дейиш мумкин. Ёзувчи насрининг ушбу жанрида юқорида кўриб ўтганимиздек, инсон табиатига хос турфа жиҳатларни, унинг қалбидаги руҳий изтироблар-у, туйғуларини бутун мураккаблиги билан кўрсата олган. Ёзувчи Назар Эшонқул бу ҳақида шундай эътироф этади: “... XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек ҳикоячилигида Шукур Холмирзаев бадиий нигоҳи алоҳида ажралиб туради. Бу нигоҳ ўз

даври кишисининг ичини, дунёсини, ҳисларини кўриб туради, уни бадиий деталларга айлантиради, кейин уни худди Бойсундаги қизлар кирларини осгандек турли асарлар ториға осиб қўйиб, бизга кўз-кўз қилади. Тўп, чўзилган кулоқ, оқсоқ турна, чиллак, бодом гули, дашт одами, ўзбекча характер ва бошқа деталлар ўзбек насрининг замонавий жаҳон адабиётига улуш бўлиб қўшиладиган бадиий ва пухта деталларидир. Бу деталлардаги оғриқ яна кўп замонлар фақат адабиётшуносларнимас, кенг оммани ўзига жалб қилиб, Шукур ака ардоқлаган Инсон ва Қалб ҳақида, Шукур ака алқаган инсон ғурури ва шаъни ҳақида ҳикоя қилиб туради” [4; 67].

Адибнинг қатор ҳикояларида шахс ва унинг туйғулари, тақдири, қисмати ҳақида ўйлари, қаҳрамоннинг ички кечинмалари, руҳий изтироблари ҳаёт билан моддийлашган ҳолда акс эттирилади.

Ёзувчининг 1987 йилда ёзилган “Хумор” ҳикоясидаги асосий қаҳрамоннинг нафасини бевосита ҳис қилиш, хатти-ҳаракатларини яққол кўриш, кечинмаларини туйиш мумкин. Ҳикоя қаҳрамони – романтик табиатли, меҳнатсевар, касал бўлса-да, ўз манфаатини деярли ўйламайдиган дўлвор йигит. Ҳикоя ана шу қаҳрамоннинг тилидан айтилиб, бевосита китобхон ҳам унинг яқин суҳбатдошига айланади. Ҳикоя қаҳрамоннинг шафёр билан суҳбатидан иборат. Шофёрнинг иштирокини китобхон ҳикоя охирида англайди. Бутун ҳикоя давомида қаҳрамон ўзининг ҳаётини сўзлаб беради. У ўзининг ночордан-ночор турмушидан мамнун, бошқача тузукроқ ҳаёт бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди. Йигит ёшлигига қарамай, тузалмас дардга мубтало бўлган, ранги захилки, одам кўрққулик, соч тўкилган, тиш қолмаган, пушти куйиб кетгани боис фарзанд кўра олмайди. Бу шўрликларни барига сабаб ўзининг токсикоманияга йўлиққанлиги, яъни пахтага ишлатиладиган доридан захарлангани ва эндиликда усиз туролмаслигини ҳам билади. Бутифос ҳидисиз унинг учун бутун олам ўз тароватини йўқотади. У ўзининг бу аҳволини ижтимоий жиҳатдан асослайди ҳам: “...пахта давлатимизнинг тиргакларидан, устунларидан! Биз уни етиштиришимиз керак экан, сал зиён кўрсак нима қипти?”. Ҳикоя қаҳрамони

– мустабид тузум юритган пахта сиёсатининг қурбони. Ҳикоя бошланмасида ўқувчида вақт ҳақида тасаввур уйғонади. Қаҳрамон суҳбатдошига “... Куз тушиб қолди-я. Аҳ қандай яхши фасл!” – дейди. Дастлабки ўринда пейзаж манзараси тасвирида куз детали қўлланилиб, ҳикояни очқич калити сифатида қўрамиз. Ўқувчи англайдики, воқеалар асосан кузда кечади. Иккинчи детал куз билан боғлиқ ҳикоя бошланмасида келтирилган: “Пахта терганмисиз? Пахта термаган ўзбек боласи бор эканми?” Учинчи детал пахта билан боғлиқ ҳикоя қаҳрамонинг суҳбатдошига савол бериб, ўзи жавоб берган ўрнида келтирилган: “...пахта нақ очилганда далага кирганингизда дастлаб димоғингизда ниманинг хиди урилган? До-ри-нинг!” Ўқувчига аён бўладики, қаҳрамон касаллигининг асл сабабчиси, куздаги пахта даласи ва унга сепиладиган дори. Ҳикоя қаҳрамонининг “...дори менинг таржимаи ҳолимга сингиб кетган ахир! Тушуняпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси, Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам... ўша билан боғлиқ. Усиз ўтмишим йўқ”, – деб бежиз айтмайди. Бу – эътиқод. Алоҳида бир киши учун ҳам, бутун бир миллат учун ҳам ёлғон эътиқоддан хавфлироқ нарсаси йўқ. Бу қаҳрамон кечинмаларида қанчадан-қанча ўзбекнинг кузги пахтазорларда зарарли дорилардан умри хазон бўлган, турмуши вайрон бўлган ёшлари тақдири, фожеаси намоён бўлади. Пахта – ҳикоянинг марказида турувчи деталдир. Қаҳрамоннинг ташқи тузилиши – сариқлиги, касаллиги, ҳаттоки эътиқодида ҳам пахта асосий ўрин тутаяди. Ҳикоя қаҳрамони шу жиҳатдан Тоғай Муроднинг “Дехқонкул”ига ўхшайди. Содда, танти ва фидойи. Умрининг заволи бўлаётганини билса ҳам, ўзини овутади: “У ёғини сўрасангиз, зарарсиз нарсанинг ўзи йўқ! Шу нафас олаётган ҳавоингизда зарарли микроблар бор. Машинанинг орқасидан чиқаётган тутун ҳам – кони зиён... Э, ҳамма нарсани ўйлаб, ҳар нарсадан ҳадиксираб яшасанг, яшашнинг қизиғи қолмайди...”. Қаҳрамон руҳан эзилса-да, ўзига юқтирмасликка уринади, алдайди. Зеро, инсон ҳеч қачон ўзидан қочиб қутула олмайди. Бутун ҳикояни ўқиш давомида китобхон оғир изтиробга тушади. Ҳикояда оддий бир меҳнаткаш инсоннинг қалб кечинмаларида

келтирилган куз, пахта, дори – бир-бирига боғлиқ қўлланилган деталларда миллатнинг тузумга бўйин эгган эрксиз ва ожиз инсонлари фожеаси берилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида табиат ва инсон тасвири етакчи бўлиб, ёзувчи қаҳрамон руҳиятини ёритишда бадиий детал сифатида табиат унсурларидан кенг фойдаланади. Унинг асарларида инсон руҳияти, ички кечинмаларини акс эттириш, ички зиддиятларни ифодалашда деталлар муҳим ўрин тутди. Шукур Холмирзаев асарлари халқимиз бадиий маданиятини юксалтиришда ва маънавий эҳтиёжини қондиришда ўзига хос вазифани ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабиётшунослик луғати. / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 406 б.
2. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 406 б.
3. Холмирзаев Ш. Сайланма: II Ж. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 464 б.
4. Холмирзаев Ш. Олис юлдузлар остида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1971. – 184 б.
5. Ўзбек адабий танқиди: [антология] /Туз. ва нашрга тайё. Б.Каримов. – Тошкент: “TURON-IQBOL” МСНЖ, 2011. – 543 б.
6. Қўшжонов М. Сайланма. 2-жилдлик. 1 Жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – 384 б.
7. <https://kh-davron.uz/> Назар Эшонкул. Ҳаётда ҳам, адабиётида ҳам шахс...